



БАНК НАЗОРАТИНИНГ ТУРЛАРИ

Жуманазаров Музаффар Жуманазар ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Бошқарма бошлиғи
ўринбосари*

Email: m_jumanazarov@cbu.uz

Orcid: 0009-0003-7976-3309

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss1/626

Аннотация

Мақолада “банк назорати” тушунчаси, унинг моҳияти, иқтисодий аҳамияти, халқаро банк назорати, жаҳон тажрибаси, республикамиздаги банк тизими ва назорат қилиш тартиблари баён қилинган. Мақола якунида хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: Назорат, банк назорати, инспекция, пруденциал назорат, дистанцион назорат, Базель қўмитаси.

ВИДЫ БАНКОВСКОГО КОНТРОЛЯ

Жуманазаров Музаффар Жуманазаров угли

Центральный банк Республики Узбекистан. Заместитель начальника управления

Аннотация

В статье раскрыто понятие “банковский контроль”, его сущность, экономическое значение, международный банковский контроль, мировой опыт, банковская система и процедуры контроля в нашей республике. Выводы представлены в конце статьи.

Ключевые слова: Надзор, банковский надзор, инспекция, пруденциальный надзор, дистанционный надзор, Базельский комитет.

TYPES OF BANKING CONTROL

Jumanazarov Muzaffar Jumanazar ugli

Central Bank of the Republic of Uzbekistan. Deputy Head of Division

Abstract

The article describes the concept of “bank control”, its essence, economic importance, international bank control, world experience, the banking system and control procedures in our republic. Conclusions are presented at the end of the article.

Key words: Supervision, banking supervision, inspection, prudential supervision, distance supervision, Basel Committee.

Кириш

Ривожланган мамлакатлар ¹банклари томонидан ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги 15-20 йил мобайнида банк назорати нафақат молия секторида, балки бутун иқтисодиётда жуд муҳим рол ўйнайди. Банк назорати ўзининг турли хил кўринишлари билан 100 йилдан кўп вақт мобайнида банклар фаолиятида улкан аҳамият касб этмоқда.

Илк вужудга келган банклар фаолиятида уларни барқарорлигини сақлаб туриш, банкларнинг молиявий муаммоларини олдиндан аниқлаш имкониятлари бўлмаганлиги туфайли кўпчилик банклар кетма-кет банкрот бўла бошлаган. Банкларни назорат қилиш бўйича турли мамлакатларда турли назорат органлари назоратни амалга оширган.

Бу ҳолатдан келиб чиқиб, банкларда аста-секин мазкур муаммоларни ечимини топиш ва бартараф этиш ҳамда омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банк назоратининг дастлабки шакллари юзага кела бошлаган. Банк назоратини ташкил этиш бўйича кўпгина давлатларда турли даврларда банк бўйича қонунлар ва тартиблар қабул қилинган.

Республикамизда Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини назорат қилинишининг асосий мақсади тижорат банкларига бирон-бир иқтисодий чора кўриш эмас, балки банк фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиб, банк тизимининг барқарорлигини ошириш натижасида банк омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Банк назорати ва таҳлилидан бош мақсад банк фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат. Республикамизда Марказий банкка банк тизимини бошқариш ҳуқуқи қонун асосида юклатилган. Марказий банк тижорат банкларини бошқариш, банк фаолиятини тартибга солиш мақсадида турли иқтисодий номативлар ўрнатади. Ушбу нормативлар банк фаолиятини турли томонларини қамраб олади.

Унда банк капиталига, активларига бериладиган йирик кредитлар ва инвестицияларга ҳамда банкка алоқадор шахслар билан амалга ошириладиган операцияларга чекловлар ўрнатилган. Бу ўрнатилган нормативлар банклар томонидан бажарилиши ва амал қилиниши Марказий банк томонидан доимий равишда назорат қилиб борилади.

Уларнинг бири талабга жавоб бермайдиган бўлса, Марказий банк томонидан ушбу банк фаолиятини чегаралаш бўйича қонун доирасида санкциялар қўлланиши мумкин.

Шу муносабат билан, банклар фаолияти Марказий банк томонидан доимий равишда назорат қилиб тартибга солиб турилиши лозим.

Адабиётлар шарҳи

“Банк назорати тушунчаси ²ва унинг турлари ҳақида: З. Қурбонов, А. Рахимовлар томонидан “Банк назорати ва таҳлили” дарслигида келтирилган. Назорат – бу қонунчиликни таъминлаш бўйича турли давлат органларининг фаолият шакли деб қайд қилинган.

Банк назорати – давлат томонидан банк – молия тизимининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, омонатчилар, кредиторлар ва мижозларнинг

¹ З. Қурбонов, А. Рахимовлар томонидан “Банк назорати ва таҳлили”. Дарслик – Тошкент.: 2022. 21 бет.

² З. Қурбонов, А. Рахимовлар томонидан “Банк назорати ва таҳлили”. Дарслик – Тошкент.: 2022. 5-бет.

манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолият йўналиши ҳисобланиши келтирилган.

Шунингдек, иқтисодчи олим М.А.Котляров банк назоратига давлатнинг энг асосий иқтисодий ва ижтимоий функцияси сифатида қараб, унинг асосий мақсадлари омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ва банк тизими барқарорлигини таъминлашдан иборат эканлигини таъкидлайди.³

Эрон олими С.Ҳ. Маҳдавининг “Марказий банк назорати ва Эроннинг исломий банкидаги ўн йиллик фаолиятини ўрганиш” мавусидаги тўртинчи Исломий банк семинаридаги фикрича “Назорат тушунчаси бўйича ушбу соҳада аниқ тариф бериш осон эмас, чунки банк назорати бугунги кунда дунёдаги мураккаб банк фаолиятларининг турли соҳаларини қамраб олади. Лекин молиявий институтларнинг барқарорлигини ва саломатлигини сақлаш, қоидаларини бажариш ва омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мавжуд тарифларнинг умумий нуқталари” эканлигини таъкидлаб ўтган.⁴

Шунингдек, Хитой олими А. Шенгнинг фикрича “Банкларнинг муаммолари ва муваффақиятсизликларининг бошқа ижтимоий қатламларга зарарли таъсирларини тарқалишини олдини олиш, бу банк назоратининг аҳамиятини таъкидлайдиган муҳим масала бўлса, ҳозирги вақтда банк назоратининг аҳамиятини таъкидлайдиган яна бир муҳим масала - бу ривожланаётган мамлакатларнинг фоиз ставкаларини эркинлаштириш ва бошқа иқтисодий ўзгаришларга мослаштиришдир.

Сўнгги йигирма йил ичида лотин Америкаси мамлакатларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, банк ставкаларини эркинлаштириш босқичига киришдан олдин, икки муҳим ва асосий шартлар мавжуд: иқтисодий барқарорлик (хусусий сектор фаолияти учун мос иқтисодий ҳолат) ва самарали ва кучли банк назоратининг мавжудлиги эканлигидир деб таъкидлаб ўтилган⁵.

Банк назорати тушунчасини таҳлил қилиш Олимлар банк назоратини қуйидагича таърифлайдилар:

Масалан, Г.Г.Фетисов ⁶банк назоратининг учта - олдини олиш, хабар бериш ва текшириш функцияларини ажратиб кўрсатган.

1. Олдини олиш (превентив) функцияси кредит ташкилотларининг банк соҳасига кириб келиш жараёнларини ва улар фаолиятини тартибга солиш бўйича банк назоратида махсус инструментларнинг мавжудлигини англатади. Мазкур функция банк назорати бўйича махсус ваколатли органнинг банк тизимини шакллантириш ва барқарорлигини таъминлаш учун кредит ташкилотларига нисбатан тартибга солиш номалари ва талаблари билан таъминланганлигини назарда тутати.

2. Хабар бериш функцияси банклар фаолиятида салбий тенденцияларни ўз вақтида аниқлаш имконини берувчи ташхис қўйиш ва ҳаракат қилиш инструментларининг мавжудлигини англатади. Мазкур функция банк назорати бўйича

³ М.А. Котляров. Проблемы совершенствования пруденциального банковского надзора в России // Банковское дело. 2004. №3

⁴ Seyed Mojtaba Hassani Shahi Sara, Seyed Mohammad Reza Reiszadeh, Ali Fallah “Assessing the effect of central bank supervision interaction with audit and internal inspection units of banks on the efficiency of banking supervision” <http://dx.doi.org/10.22075/ijnaa.2022.27159.3517>

⁵ А. Sheng, Bank Supervision: Principles and Practice, Economic Development Institute of the World Bank, 1990, p-5.

⁶ Фетисов. Г.Г. Устойчивость, стабильность, равновесие и надежность банковской системы: понятия и критерии оценки // Законодательство и экономика. - №8. Август 2002 г.

махсус ваколатли органга ҳамда бевосита банкка юзага келаётган муаммолар тўғрисида хабар беради ва уларни фаол ҳаракат қилишга чорлайди. Ушбу функцияларни амалга ошириш учун банк назорати бўйича махсус ваколатли орган кредит ташкилотлари молиявий ҳолатини мониторинг қилиш бўйича ахборо таҳлилий тизимга ҳамда кредит ташкилотлари фаолиятига назорат тартибида аралаштириш имконини берувчи чора-тадбирлар тизимига эга бўлиши лозим.

3. Текшириш функцияси тартибга солувчи нормалардан четга чиқиш ҳолатларини, уларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, кредит ташкилоти ҳамда банк назорати бўйича махсус ваколатли органнинг муаммоларини олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳаракатларининг сарадорлигини аниқлашга қаратилган. Ушбу функциянинг асосий инструменти – бу жойларда ўтказиладиган текширишлар услубидир.

Банк назорати мақсадлари О.И.Лаврушинанинг фикрига кўра, турли мамлакатларда банк назорати бўйича миллий тизимлар турлича шаклланган бўлсада, уларнинг барчаси учта асосий мақсадга йўналтирилган⁷ дейди.

1. Пул ва молиявий барқарорликни таъминлаш, яъни банкларнинг банкрот бўлишининг олдини олиш ва уларни соғломлаштириш бўйича чоралар кўриш.

2. Активлар сифатини ошириш ва потенциал хатарларни камайтириш эвазига банк тизими самарадорлигини ошириш.

3. Омонатчилар манфаатини ҳимоя қилишдир.

Таҳлил ва натижалар

Банклар фаолиятини ривожланиш тарихи ва ривожланган банк тизимини назорат қилишни ташкил этиш тажрибасига кўра ҳозирги кунда банк фаолиятини назорати учта усул билан амалга оширилмоқда.

Банк назоратининг биринчи усули – бу Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини масофадан (дистанцион назорат), яъни уларни молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилса, иккинчи усули – бу жойларда инспекция (инспекцион назорат), яъни барча молиявий ҳисоботлар ва уларга тегишли қўшимча маълумотлар тижорат банкларининг ўзида текшириш ўтказиш орқали амалга оширилади.

Учинчи усул – бу масофадан туриб ва жойларда текшириш усулларида бир вақтда фойдаланишдан иборат. Банк фаолиятини назорат қилишни усуллари иккига ажратиб (дистанцион ва инспекцион) ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Дистанцион назорат тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш усули асосан, Европа мамлакатларида кенг кенг қўлланилган. Бунда Марказий банк тижорат банклари молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш орқали назорат қилиб боради. Бу усулда Марказий банкнинг назорат департаментлари ташқи аудит корхоналари билан яқин муносабатда бўлади.

Бунда, Марказий банклар ҳар йили йил тугашидан олдин барча ташқи аудит корхоналарига аудит текширишларида тижорат банклари фаолиятининг қайси жиҳатларига эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатилади. Айрим ҳолларда ташқи аудит фирмаларининг ишчи материалларига ушбу материаллардан фойдаланиш талаб қилинади.

Тижорат банклари фаолиятини жойларда (инспекцион) текшириш Америка қўшма штатлари банк назорати амалиётида кенг фойдаланиладиган усулдир. АҚШ банк назорати департаментларида жуда кўп сонли инспекторлар ишлашади. Улар доимий жойларга чиқиб, тижорат банклари ҳужжатларини бевосита текшириб банк Бошқарувига баҳо берадилар.

Агар банк капиталини йириклаштириш учун амалга оширилган қўшилишлар тўғрисида банклар сони бир оз қисқарган бўлсада, уларнинг сони 5 мингтадан ошган.⁸ Ушбу банкларни жойига чиқиб текшириш қанча вақт ва маблағ талаб этади.

Сўнгги йилларда Америка ва Европа банк назорати амалиётида учинчи усул, яъни тижорат банклари фаолиятини масофадан туриб ва жойига чиқиб инспекция текширишларини ўтказиш қўшиб олиб борилмоқда.

Республикамизда банк тизимини назорат қилиш ҳар иккала усулдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Шу усулларга мос равишда Марказий банкда Пруденциал назорат департаменти ва Инспекция департаменти ташкил этилган.

Марказий банкнинг Пруденциал назорат департаментининг вазифалари⁹ банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида тижорат банклари (кейинги ўринларда банклар деб юритилади) фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни масофавий (дистанцион) назорат қилишдан иборат.

Шунингдек, кредит ташкилотлари ва кредит бюрolari фаолиятини лицензиялаш бўйича Марказий банк Бошқарувига ва банк назорати Қўмитасига таклифлар киритиш, банклар ва кредит бюрolarини давлат рўйхатиغا олиш дафтарини ҳамда кредит ташкилотлари ва кредит бюрolarига берилган лицензиялар реестрини юритишдир.

Марказий банкнинг Инспекция департаменти Марказий банкнинг банк тизими барқарорлигини таъминлашга қаратилган назорат вазифаларидан келиб чиқиб, банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва уларнинг филиаллари фаолиятини таваккалчиликка асосланган банк назорати тамоиллари асосида инспекция қилиб бориш мақсадида ташкил қилинган.

Департаментнинг асосий вазифаси банкларда таваккалчиликка асосланган банк назорати тамойиллари асосида инспекция (текшириш) ўтказиш орқали уларнинг молиявий ҳолати ва фаолиятига хос таваккалчиликларга баҳо бериш, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини инспекция қилиб боришдан иборат.

Маълумки, Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 2217, 14.04.2011й) Низомга¹⁰ асосан Марказий банк молия-tizими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, банклар фаолиятини тартибга солиш ҳамда назорат қилиш борасидаги мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текширув)лар ўтказиши белгиланган.

Унга кўра, текширишнинг қуйидаги 4 та турлари мавжуд:

⁸ Норқобилов С, Дадабоева Х, Жўраев Ў, Халқаро амалиётда банк назорати. – Т.: “Иқтисод-молия”. 2007.

⁹ <https://cbu.uz/oz/about/central-office/divisions/banklarni-prudensial-nazorati-departamenti-1/>

¹⁰ <https://lex.uz/uz/docs/-1770790>

Комплекс инспекция қилиш (текшириш) – банклар ва уларнинг филиалларини ҳақиқий молиявий аҳволини ва банк фаолиятига хос бўлган хавф-хатарларни бевосита жойига чиқиш орқали ўрганган ҳолда уларнинг фаолиятига умумий баҳо бериш мақсадида бир вақтда инспекция ўтказилишини назарда тутувчи назорат туридир.

Алоҳида масалалар юзасидан инспекция қилиш (текшириш) – банк ва унинг филиалларида айрим банк операцияларини инспекция қилишни кўзда тутувчи назорат туридир.

Масофадан назорат қилиш – муаммоларни бошланғич даврида аниқлаш мақсадида банклар томонидан Марказий банкка тақдим этиладиган ҳисоботлар таҳлили, шу жумладан, уларнинг молиявий ҳолатининг мониторингига асосланган назорат туридир.

Назорат тартибидаги инспекция қилиш – банк ва унинг филиалларида текшириш ўтказувчи таркибий тузилма томонидан охириги инспекцияда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этилиши аҳволини назорат қилиш мақсадида амалга ошириладиган текширишдир.

Ҳар бир текшириш бўйича алоҳида тўхталиб ўтадиган бўлсак:

Банкларни инспекцион текшириш – бу банк назоратининг бевосита жойларда банкларнинг ҳақиқий молиявий аҳволини ва банк фаолиятига хос бўлган рискларни аниқлаш мақсадида банк фаолиятини текширишни кўзда тутувчи усулдир.

Банклар ва уларнинг филиалларида инспекцион текшириш ўтказишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат.

- банклар ва уларнинг филиалларини молиявий ҳолатига баҳо бериш, уларнинг фаолиятида мавжуд бўлган хавф-хатарларни, омонатчилар, қарз олувчилар ва ркредиторлар манфаатлари ҳимояси таъминланганлигини аниқлаш ва баҳо бериш;

- банклар ва уларнинг филиаллари фаолиятига хос таваккалчиликни баҳолаш, иқтисодий номативларга риоя қилиниши, уларга белгиланган меъёрларнинг тўғри ҳисобланиши аҳволини текшириш. Бунда ташқи омилларнинг банк молиявий ҳолатига таъсирини аниқлаш нуқтаи назаридан ҳамда банк капитали, активлари сифати, бошқаруви, даромадлари ҳамда ликвидлигига баҳо беришда “CAMEL(S)” тизимига мувофиқ ҳолда текшириш;

- банклар ва уларнинг филиалларида бухгалтерия аппаратининг тузилиши, бухгалтерия иши ва ҳужжат айланишини ташкил этилиши, бухгалтерия ҳисобининг умумий қоидаларига риоя этилиши, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тўғри юритилиши ва ҳаққонийлиги, капитал, активлар, мужбуриятлар, пул оқими, асосий воситалар ҳисобининг ва балансдан ташқари ҳисобварақларнинг бухгалтерия андозалари тамойилларига мос равишда юритилиши ҳамда банк молиявий ҳолатига фоиз ставкаси, чет эл валюта курси, кредит, ликвидлик, таваккалчилик ва бошқа омилларнинг таъсирини алоҳида текшириш;

- охириги инспекция (текшириш) натижалари бўйича аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этилишини таъминлаш ҳамда банк рейтингини белгилаш юзасидан таклифлар бериш ҳисобланади.

Банкларда алоҳида масалалар юзасидан инспекция қилиш (текшириш) – бу банк ва унинг филиалларида айрим банк оперцияларини инспекция қилишни кўзда тутувчи назорат турига айтилади.

Қуйидаги ҳолларда алоҳида масалалар юзасидан инспекция қилиш ўтказилди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари муҳофаза қилиш масофадан назорат қилиш натижаларига кўра банклар молиявий ҳолатининг барқарор эмас деб топилиши ва омонатчилар ҳамда кредиторлар манфаатларига хавф-хатар туғдириши мумкин бўлган ҳолатлар мавжудлигида;

- банклар ва уларнинг филиаллари томонидан қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳақида Марказий банкка келган маълумотлар, шунингдек фуқаролар ҳамда юридик шахслар муурожаатлари асосида инспекция ўтказилиши мумкин.

Бунда, инспекция муддати 30 календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда инспекция муддати Марказий банк фармойиши асосида узайтирилиши мумкин. Инспекция муддати банк томонидан амалга ошириладиган оперциялар ҳажми, унинг филиаллари тармоғининг кенглигини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Масофадан назорат қилиш – таҳлил жараёнида қўйидагиларга эътибор қаратилади.

- банк томонидан тақдим қилинган молиявий ҳисоботни тақдим қилинган муддатини эътиборга олиш, молиявий ҳисобот ойининг 10 кундан кейин тақдим қилинган бўлса, банкдан ҳисоботни кечиктириб тақдим қилинганлиги сабабини ва ўз вақтида тақдим қилинишини талаб қилади;

- банк активлари ва пасивлари ҳолати, банк капитали, ликвидлиги, фойда ва зарарлар ҳисоботи, банк тушумлари, банк кредит ва қимматли қоғозлари шу жумладан инвестициялар портфели ҳамда уларга қўшимча зарур бўлган барча кўрсаткич ва маълумотлар тўлиқ таҳлил қилиб чиқади;

- таҳлил қилиш жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар тўғрисида банклар фаолиятини таҳлил қилиш бошқармаси ходимлари томонидан раҳбариятга маълумотнома ёки билдиришнома, шу жумладан тижорат банклари раҳбарияти ва кенгашига аниқланган камчиликлар юзасидан уларни зудлик билан бартараф этиш учун чора ва тадбирлар ишлаб чиқиш тўғрисида хабар юборилади;

- қайта такрорланиб келинган камчиликлар юзасидан банкларга жўнатиладиган огоҳлантириш хатидан сўнг уларни қайта такрорланмаслигини назарда тутган ҳолда банкка нисбатан амалдаги қонунчиликка асосан жарима чораларини кўради.

Масофадан назорат қилишнинг қўйидаги афзалликлари мавжуд.

Текшириш вақтининг ихчамлиги. Текшириш вақтининг ихчамлиги шундаки, масофадан маълумотлар электрон шаклда Марказий банкка юборилади.

Харажатларнинг тежамлиги. Текшириш харажатларининг ихчамлиги шундаки, масофадан маълумотлар электрон шаклда Марказий банкка юборилади ҳамда ҳеч қандай текширувчи ёки текширувчилар гуруҳи сафарбар этилмайди.

Марказий банк томонидан ҳисоботларнинг умумлаштириш имконияти борлиги. Текшириш давомида олинган ҳисоботларни умумлаштириш ва динамикасида таҳлил этиш ҳамда бошқа банклар билан солиштириш имконияти мавжудлиги.

Марказий банк томонидан доимий назоратнинг мавжудлиги. Марказий банк томонидан доимий, мунтазам назоратнинг мавжудлиги туфайли юзага келиши мумкин бўлган рискларни олдиндан прогноз қилиш ва тегишли чоралар кўриши имконини беради.

Масофадан назорат қилишнинг камчиликлари қўйидагилардан иборат.

Ҳисобот ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ ишонч йўқлиги. Масофадан назоратда юбориладиган маълумотлари тижорат банклари томонидан билмасдан ёки атайлаб ўзгартириб жунатилиши мумкин ва бу банкнинг молиявий ҳолати тўғрисида тўри хулоса қилиш имконини бермаслиги мумкин.

Батафсил таҳлил қилишнинг имкони йўқлиги. Дистанцион назорат орқали тижорат банклари фаолиятини тўлиқ ўрганиб чиқиш ҳамда таҳлил этишнинг имкони йўқ.

Назорат тартибидаги инспекция қилиш – бу кредит ташкилотлари ва уларнинг филиалларида охириги ўтказилган текширишларда аниқланган хато ва камчиликларнинг бартараф этилиши аҳволини ўрганиш мақсадида назорат тартибида текшириш ўтказишдир.

Республикамизда банк назорати ва халқаро амалиёти бўйича Базель қўмитасининг тавсияларидан келиб чиқиб, тижорат банклари фаолиятини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари доирасида тартибга солувчи комплекс меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Бунда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида улар балансида мавжуд муаммоларни олдиндан аниқлаш ҳамда банк ликвидлиги пасайиши ва капитал тугаши юзага келишидан олдин огоҳлантирув чораларини кўриш тамойилларидан фойдаланилади.¹¹

Базель қўмитаси базавий тамойилларининг афзаллиги ва мослашувчанлиги ва адапцион ҳолатининг юқорилиги шундаки бу ердаги тамойиллар нафақат банкларга балки шу билан бирга нобанк ташкилотлари фаолиятини тартибга солишда ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Базель базавий тамойиллари барча мамлакатларнинг банк назорати органлари учун асосий ҳужжат вазифасини ўташга мўлжалланган бўлиб, мамлакатларнинг назорат инстанцияларининг ўз ваколатларидан келиб чиқиб шу тамойиллардан максимал фойдаланган ҳолда тегишли чоралар, ўзгартиришлар, ишлаб чиқаришларни амалга оширишлари мумкин.

Халқаро Базель¹² қўмитасининг талабларига кўра самарали банк назоратининг асосий тамойиллари банклар ва банк тизимларини минимал стандарт орқали ишончли пруденциал тартибга солиш ва назорат қилишдир. Асосий тамойиллар универсал деб ҳисобланади ва миллий ташкилотлар томонидан ўз юрисдикциялари доирасидаги банкларни назорат қилишда қўлланилиши керак. Асосий тамойиллар универсал деб ҳисобланади ва миллий органлар томонидан ўз юрисдикциялари доирасидаги банкларни назорат қилишда қўлланилиши керак.

Қўмита жаҳон молия тизимини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш учун асосий тамойилларни эълон қилади. Чунки ривожланаётган ёки ривожланган давлатнинг банк тизимининг заифлиги ҳам шу мамлакат ичида ҳам халқаро миқёсда молиявий барқарорликка таҳдид солиши мумкин. Қўмитанинг фикрича, асосий тамойилларнинг барча мамлакатлар томонидан амалга оширилиши миллий ва халқаро даражада молиявий барқарорликни ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, самарали назорат тизимларини янада ривожлантириш учун яхши асос яратади. Мамлакатларнинг

¹¹ cbu. uz. сайтидан

¹² https://www.bis.org/basel_framework.

кўпчилиги ушбу асосий тамойилларни маъқуллаган ва уларни тўлиқ амалга ошириш мажбуриятини олди.

Асосий тамойиллар мамлакатлар томонидан назорат тизимларининг самарадорлигини баҳолаш, ишончли назорат амалиётининг асосига эришиш бўйича келгусидаги ишларни аниқлаш ҳамда назорат тизимлари ва амалиётларини (керак бўлганда) янгилаш учун асос сифатида фойдаланилади. уларнинг тегишли банк тизимлари. Улар, шунингдек, Халқаро Валюта Жамғармаси (ХВЖ) ва Жаҳон банки томонидан молия секторини баҳолаш дастури (ФСАП) контекстида мамлакатларнинг банк назорати тизими ва амалиёти самарадорлигини баҳолаш учун қўлланилади.

Базель талабларига кўра асосий принциплар ишончли назорат амалиёти учун минимал стандартлар доираси сифатида мўлжалланган. Асосий тамойиллар банк секторини тартибга солиш, назорат қилиш, бошқариш ва рискларни бошқариш учун мустаҳкам асос яратиш учун кенг қамровли стандартни тақдим этади. Улар назорат органларининг хавфсизлик ва ишончилилик масалаларини ҳал қилиш, назоратга истиқболли ва таваккалчиликка асосланган ёндашувни илгари суриш ҳамда банклар ва банк фаолияти хавфсизлиги ва мустаҳкамлигига таҳдидларни юмшатиш учун эрта аралашув ва ўз вақтида назорат чораларини қўллашни рағбатлантириш бўйича ваколатларини белгилайди.

Асосий принциплар стандарти қуйидаги тузилишга эга:

Асосий тамойилларнинг умумий мақсадларини ҳисобга олган ҳолда ушбу ҳужжатни қандай ўқиш кераклиги тушунтирилади;

“Асосий тамойилларда қўлланиладиган баъзи атамаларни тушунтириш” умумий атамалар рўйхатини ўз ичига олади ва уларни ушбу стандарт контекстида қандай изоҳлаш кераклигини тушунтиради;

Баҳолаш методологияси юрисдикциялар томонидан асосий принципларга ва ФСАП контекстида мувофиқлик даражасини баҳолаш учун стандартдан қандай фойдаланиш кераклигини тавсифлайди;

Самарали банк назоратининг зарурий шартларида самарали банк назорати боғлиқ бўлган, лекин назорат қилувчи органларнинг бевосита юрисдикциясига кирмаслиги мумкин бўлган бир қатор ташқи элементлар белгиланган.

Халқаро амалиётда банк назорати усуллари текширув объектининг ҳудудий жойлашувига қараб уларни икки тоифага бўлиш мумкин. Мисол учун, Россия банки мисолида кўрадиган бўлсак:

Биринчи усул, Россия банк ¹³тизимда муҳим ва кенг тарқалган тартибга солиш усули. У Россия Федерацияси Марказий банкка тақдим этиладиган банкларнинг молиявий ҳисоботлари асосида тизимли равишда амалга оширилади. Ҳар қандай банк ташкилоти, шунингдек, халқаро стандартларда белгиланган асосий шаклларни ўз ичига олган йиллик ҳисоботларини жамоат мулки сифатида эълон қилиши шарт. Яъни, биринчи гуруҳ усулларининг асосий хусусияти масофадир.

Иккинчи усул, бу аудит усули, аксинча, банклар фаолиятининг барқарорлиги ва қонунийлигини жойида текшириш орқали назорат қилишдан иборат. Россия банки Россия банки томонидан тасдиқланган текшириш режасига мувофиқ назорат қилинадиган ташкилотларни икки йилда бир мартадан кўп бўлмаган режали

текширишларни ўтказди. Бундай текширувларни ўтказишда Россия Федерацияси Марказий банкининг ваколатли вакиллари фаолият олиб бориладиган жойларга киришлари, назорат қилинадиган ташкилотнинг зарур ҳужжатларини олишлари ва текширишлари ва уларни текшириш материалларига илова қилишлари мумкин.

Қуйидаги мавжуд тасниф тартибга солиш усулларини уларни бошлаган субъектга қараб ажратади:

- Давлат: банк қонунчилигининг барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизими.

- Жамоатчилик: жамоатчилик фикрини ҳимоя қилувчи ташкилотлар, масалан, Россия банки ҳузуридаги Миллий банк кенгаши, истеъмолчилар, омонатчилар ва кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари томонидан амалга оширилади.

- Мустақил: аудиторлик ташкилотлари томонидан назорат қилиш элементлари. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” Федерал қонунига мувофиқ, кредит ташкилотининг фаолияти ҳар йили Россия банки томонидан кредит ташкилотларини текшириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилоти (мустақил аудитор) томонидан аудитдан ўтказилади. Асосий мақсад банкнинг молиявий ҳисоботларининг ишончилигини ва унинг фаолиятининг амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Энди, Европа Иттифоқи мамлакатлари мисолида банк назоратини амалга оширишнинг халқаро амалиётига мурожаат қилсак. Европа Иттифоқида 2014 йилда Европа Иттифоқидаги банк фаолиятини назорат қилиш учун ЕСБ томонидан яратилган Ягона назорат механизми мавжуд. У Банклар иттифоқининг бир қисми сифатида ишлайди ва раҳбарлари ЕСБ бошқарув кенгашидан сайланадиган Кузатув кенгаши томонидан бошқарилади. Ягона назорат механизмнинг ишлаш тамойилларини ўз ичига олган ҳужжат бешта гуруҳни белгилайди:

- Муассасаларни муҳим ва аҳамиятсиз бўлганларга таснифлаш;

- Муҳим кредит ташкилотларини танлаш мезонлари (камида биттаси бажарилиши керак):

- активларнинг қиймати 30 миллиард евродан ошган ёки активларнинг резидент мамлакат ЯИМга нисбати 20 фоиздан ошган (активлар миқдори камида 5 миллиард евро бўлиши керак);

- ташкилот ўз мамлакатидagi энг муҳим учта ташкилотдан бири бўлиши керак;

- ташкилот Европа барқарорлик механизмидан бевосита ёрдам олади.

Европа Марказий банки евро ҳудудидаги 130 га яқин йирик банклар устидан бевосита назоратни амалга оширади, улар муҳим институтлар ҳисобланади. Қолган банклар (3200 га яқин) жойлашган давлатга қараб маҳаллий ваколатли органлар томонидан назорат қилинади. ЕСБ ушбу банклар фаолиятини назорат қилишда билвосита рол ўйнайди. Минтақавий назорат органлари билан биргаликда ЕСБ назорат стандартларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. 2016 йилда бир қатор шундай стандартлар ишлаб чиқилган. Нисбатан кичик банкларнинг банк назоратида ЕСБ иштироки даражаси улар дуч келадиган рискларга қараб ўрнатилади.

Муҳим кредит ташкилотлари фаолиятини доимий мониторинг қилиш, уларнинг молиявий ҳолати бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш ва рискларни бошқаришни назорат қилиш учун махсус назорат гуруҳларини яратиш. Ҳар бир назорат гуруҳини ЕСБ координатори (шартли равишда банкнинг ватанидан ташқарида) назорат қилади, у гуруҳ назоратини самарали амалга ошириш учун жавобгардир.

Самарали ахборот алмашинуви учун Европа молиявий назорат тизими, Европа барқарорлик механизми ва бошқалар каби бошқа тартибга солувчи институтлар билан ҳамкорлик олиб борилади.

Шундай қилиб, еврозона Россия Федерациясига ўхшаш банк назорати ва тартибга солишнинг марказлаштирилган тизимига ўтди, унда ўхшаш воситалар ва усуллар қўлланилади. Бироқ, Европа тизимида маълум кредит ташкилотларининг ўзига хос муаммолари билан жойида ёки масофадан туриб ишлайдиган махсус ишчи гуруҳларнинг белгиланиши мавжуд. Бундан ташқари, тўлиқ таркиб ҳар доим ҳам бошқа давлат органлари ва кредит ташкилотлари ходимларини ўз ичига олмайди. Россия Федерациясида кўриб чиқиладиган соҳадаги ваколатларнинг тақсимланиши тадқиқот ишининг амалий қисмида батафсил кўриб чиқилади, аммо бу ерда асосий фарқни аниқлаш мумкин.

Хулоса

Ривожланган мамлакатлар банклари томонидан ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда банк назорати нафақат молия секторида, балки бутун иқтисодиётда жуд муҳим рол ўйнайди. Банк назоратини ташкил этиш бўйича кўпгина давлатларда турли даврларда банк бўйича қонунлар ва тартиблар қабул қилинган.

Республикамизда Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини назорат қилишнинг асосий мақсади банк тизимининг барқарорлигини ошириш натижасида банк омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини масофадан (дистанцион назорат), яъни уларни молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилса, иккинчи усули – бу жойларда инспекция (инспекцион назорат), яъни барча молиявий ҳисоботлар ва уларга тегишли қўшимча маълумотлар тижорат банкларининг ўзида текшириш ўтказиш орқали амалга оширилиб боришмоқда.

Республикамизда банк назорати ва халқаро амалиёти бўйича Базель қўмитасининг тавсияларидан келиб чиқиб, тижорат банклари фаолиятини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари доирасида тартибга солувчи комплекс меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Бунда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида улар балансида мавжуд муаммоларни олдиндан аниқлаш ҳамда банк ликвидлиги пасайиши ва капитал тугаши юзага келишидан олдин огоҳлантирув чораларини кўриш тамойилларидан фойдаланилади.

2023 йил декабрь ойида Марказий банк бошқаруви томонидан “Банкларда рискка асосланган назорат қўлланмаси” тасдиқланган бўлиб, 2024 йилдан бошлаб тижорат банкларида инспекциялар ушбу ҳужжат асосида амалга оширилиши бошланди.

Марказий банкнинг Пруденциал назорат департаменти ва Инспекция департаменти томонидан таваккалчиликка асосланган банк назорати тамойиллари асосида банклар назорат қилиб борилиши ҳамда инспекция қилиб борилиши лозим.

Адабиётлар шарҳи

1. З. Қурбонов, А. Рахимовлар томонидан “Банк назорати ва таҳлили”. Дарслик – Тошкент.: 2022. 21 бет.

2. З. Қурбонов, А. Рахимовлар томонидан “Банк назорати ва таҳлили”. Дарслик – Тошкент.: 2022. 5-бет

3. М.А. Котляров. Проблемқ совершенствования пруденциального банковского надзора в России // Банковское дело. 2004. №3

4. Seyed Mojtaba Hassani Shahi Sara, Seyed Mohammad Reza Reiszadeh, Ali Fallah “Assessing the effect of central bank supervision interaction with audit and internal inspection units of banks on the efficiency of banking supervision” <http://dx.doi.org/10.22075/ijnaa.2022.27159.3517>

5. A. Sheng, Bank Supervision: Principles and Practice, Economic Development Institute of the World Bank, 1990, p-5.

6. Фетисов. Г.Г. Устойчивость, стабильность, равновесие и надежность банковской системқ: понятия и критерии оценки // Законодательство и экономика. - №8. Август 2002 г.

7. Лаврушина. О.И. Банковское дело. Под ред. – М., Кнорус. 2011.

8. Норқобилов С, Дадабоева Х, Жўраев Ў, Халқаро амалиётда банк анзорати. – Т.: “Иқтисод-молия”. 2007.

9. <https://cbu.uz/uz/about/central-office/divisions/banklarni-prudensial-nazorati-departamenti-1/>

10. <https://lex.uz/uz/docs/-1770790>

11. cbu. uz. сайтидан

12. https://www.bis.org/basel_framework.